

ДОРИШУНОС ХОДИМЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ШАХСИЙ ВА КАСБИЙ КЎНИКМАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ САМАРАДОРЛИГИ

Ахмедова Феруза Медетовна

Ўзбекистон Миллий Университети доцент в.б.,
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7377788>

Annotatsiya. Maqolada talabalarning shaxsiy va kasbiy fazilatlarini shakllantirish jarayonini uyg'unlashtirish, shuningdek, bo'lajak farmatsevtlar uchun kasbiy motivatsiyani rivojlantirish masalalari ko'rib chiqiladi. Ushbu sohaning bo'lajak mutaxassislari o'rtasida shakllanishi kerak bo'lgan bir qator kompetentsiyalar sanab o'tilgan. Oliy ta'lim muassasasida mutaxassisning malakasini oshirish keyingi tadqiqotlarni talab qiladi, chunki oliy ta'limotli mutaxassislarni tayyorlash sifatiga tobora ko'proq yangi talablar qo'yilmoqda. Ta'lim jarayonining asosiy paradigmalari tubdan o'zgarib bormoqda, mutaxassislar tayyorlashning belgilangan yondashuvlari va sxemalari buzilmoqda. Shu sababli, zamonaviy oliy ta'lim uzluksiz kasbiy rivojlanishga, o'z-o'zini takomillashtirishga yo'naltirilgan, yuqori darajadagi raqobatbardoshlikni, kasbiy ko'rsatkichlarni va natijada martaba o'sishi va o'zini o'zi anglashni ta'minlaydigan malakali mutaxassis tayyorlash uchun tegishli shart-sharoitlarni yaratishi kerak.

Kalit so'zlar: tibbiyot, tibbiy sotsiologiya, salomatlik, kasallik, sog'lik, sog'liqni saqlash, demografik jarayonlar, sog'lom turmush tarzi, gigiena, farmakologik sotsiologiya.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ ФОРМИРОВАНИЯ У БУДУЩИХ ФАРМАЦЕВТОВ ЛИЧНОСТНЫХ И ПРОФЕССИОНАЛЬНЫХ НАВЫКОВ

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы гармонизации процесса формирования личностных и профессиональных качеств у студентов, а также вопросы развития профессиональной мотивации у будущих провизоров. Перечислен ряд компетенций, которые необходимо развивать у будущих специалистов данной отрасли. Профессиональное развитие специалиста в высшем учебном заведении требует дальнейших исследований, так как к качеству подготовки специалистов с высшим образованием предъявляются все новые и новые требования. Кардинально меняются базовые парадигмы образовательного процесса, ломаются устоявшиеся подходы и схемы подготовки специалистов. Следовательно, современное высшее образование должно создавать соответствующие условия для подготовки компетентного специалиста, ориентированного на непрерывное профессиональное развитие, самосовершенствование, что обеспечит высокий уровень конкурентоспособности, результативность профессиональной деятельности и, как следствие, карьерный рост и самореализацию. Помимо успешного овладения необходимой базой знаний и навыков в соответствии со спецификой избранной специальности, важно также обладать наиболее выраженными профессионально необходимыми качествами и практическими навыками, являющимися условиями эффективного выполнения профессиональных функций на любом этапе профессионального становления личности.

Ключевые слова: медицина, медицинская социология, здоровье, болезнь, здоровье, общественное здоровье, демографические процессы, здоровый образ жизни, гигиена, фармакологическая социология.

EFFICIENCY OF FORMING PERSONAL AND PROFESSIONAL SKILLS IN FUTURE PHARMACISTS

Abstract. *The article studies the issues of harmonization formation process of personal and professional qualities at students, as well as the issues of development of professional motivation at future pharmacists. A number of competencies, which need to be developed at future specialists of this industry, are listed. The professional development of a specialist in a higher educational institution requires further research, since more and more new requirements are placed on the quality of training of specialists with higher education. The basic paradigms of the educational process are radically changing, and established approaches and schemes for training specialists break down. Therefore, there is a need to study this problem and search for increasingly advanced approaches for effective professional training and education of a competitive specialist during student training. Modern higher education should create appropriate conditions for the training of a competent specialist, focused on continuous professional development, self-improvement, which will ensure a high level of competitiveness, productivity of professional activity and, as a result, career growth and self-realization. In addition to successfully mastering the necessary knowledge base and skills in accordance with the specifics of the chosen specialty, it is also important to possess the most expressed professionally necessary qualities and practical skills that are the conditions for the effective performance of professional functions at any stage of the professional formation of an individual.*

Keywords: *medicine, medical sociology, health, disease, health, public health, demographic processes, healthy lifestyle, hygiene, pharmacological sociology.*

Олий таълим тизимида талабанинг шахсий ва касбий ривожланиши самарадорлигини оширишда фанлараро соғлом рақобатни яратиш муҳим аҳамиятга эгадир. Сир эмаски, олий таълим тизимида ҳар бир фан эгаси ўзининг фанини жуда муҳим санаши ва уни, албатта, ўқув режага киритилишини талаб этади. Бу волюнтаризм [1] ҳолатидир. Яъни, ушбу тушунча объектив ҳолатлар ва юзага келиши мумкин бўлган оқибатларни ҳисобга олмасдан, исталган мақсадларни амалга ошириш истагини билдириш ҳисобланади. Бироқ, таълим жараёни бозор ва жамият талабига жавоб берувчи қандай компетенция, касбий ҳамда шахсий фазилатлар эга бўлғуси мутахассисларга эҳтиёжманд эканлигини эътиборга олиш давр талабига айланади. Замон билан ҳамнафас бўлиш [2, -Б. 420-423] яъни талабани ўзи танлаган фанининг жарангдор номига эмас, балки айнан ўша фан орқали қандай билиш ва кўникмага эга бўлиши қизиқтириши керак. Кредит-модуль тизими айнан шундай жараёндир. Ушбу тизимда талабалар ўзлари фан ва ўқитувчини танлаш ҳуқуқига эга. Талабалар йўналишдан келиб чиқиб танлаши мумкин бўлган фанлар сони ошади. Янги тизим янги ўқув стандартларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ҳолатда, энг аввало, ҳар бир фаннинг компетентлик ёндашувига катта эътибор қаратиш лозим бўлади.

Амалиётни ривожлантиришга йўналтирилган мақсадга эга бўлган бўлажак соҳа мутахассисларни тайёрлашда зарур бўлган шарт-шароитлар учун касбий ва шахсий компетенцияларни шакллантириши аниқ шахсга йўналтирилган ёндашувга мос келади. Шунингдек, шахсий захираларни максимал даражада ошириш доирасида амал қилади. Бу борада “компетенция” тушунчасига таъриф бериб ўтсак. Компетенция сўзи латин тилидаги “*competo*”, “*competentia*” сўзларидан олинган бўлиб, “эришаман”, “мос келаман”, “лойиқ бўламан” каби маъноларни билдиради. Мазкур атаманинг мазмун-моҳияти

муваффақиятли билим ва кўникма каби тушунчалар билан тавсифланади. Яъни, талаба “компетенция”си – бу талабалар томонидан эгалланган билим ва кўникмаларни мустақил равишда шахсий, касбий ва ижтимоий фаолиятларда амалий қўллаш олиш лаёқатини ҳам ифода этади. Компетенция – сифатли ва самарали фаолиятда билим, кўникма ва маҳоратини қўллашни ўз ичига олган шахснинг ўзаро боғлиқлик фазилатлар тўплами [3, 198-б].

Талабалар кутган натижаларга эришдимиз, фан олдига қўйган вазифани бажара олдими? Бу ҳолатни мониторинг қилиб бориш учун қуйидаги аниқлаш усули асосида ҳар бир талаба ўзининг малака ва кўникмаларни ўргана олганлик даражасидан келиб чиқиб белгилаш шarti қўйилади. (жадвал 1.)

1-жадвал

Талаба томонидан фанни ўзлаштириш натижасида ўзларида шаклланганлик даражасини белгиловчи жадвал

Фан номи	Фан бўйича компетенцияларнинг шаклланганлик даражаси	
	Компетенциялар	Ўзлаштириш даражаси
Хорижий тил	Коммуникатив компетенция(чет тилда мулоқотга кириша олиш)	ўрганилди/ ўрганилмади и
Ахборот технологиялари асослари	Ахборот билан ишлаш компетенцияси (масалан, медиа манбалардан маълумотларни излаб топа олиш, саралаш, ишлаш, сақлаш, фойдалана олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш кўникмаларини эгаллашни ҳамда медиамаданиятга эга бўлиш)	ўрганилди/ўрганилмади
Психология	Шахс сифатида ривожлантириш компетенцияси	ўрганилди/ўрганилмади
Социология	Ижтимоий фаоллик компетенцияси	ўрганилди/ўрганилмади
Маданиятшунослик	Миллий ва умуммаданий кадриятларни ривожлантиришга қаратилган компетенцияси	ўрганилди/ўрганилмади

Бўлғуси мутахассисни тайёрлашда компетенцияни ривожлантиришга асосланган ёндашув таълим мазмунини такомиллаштиришда асқотади. Таълимни модернизация қилиш шароитидаги энг муҳим муаммолардан бири бу – ўқитувчининг малакасини ошириш ҳисобланади. Бу биринчи навбатда, талабаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, уларнинг умуминсоний кадриятларини шакллантиришда компетенцияга асосланган ёндашув жуда муҳим. Шу боис ҳам миллий ўзлигини англаган, маънавий баркамол шахсни шакллантириш ҳар бир даврнинг асосий мақсади ҳисобланиб келинган. [4, -Б. 29-32].

Олий фармацевтик таълимнинг компетенция аниқлаш усули қуйидаги асосий йўналишларни назарда тутади: ўқиш ва уқиш қобилияти, ижтимоийлашиш ва шахсий

фазилатларини ривожлантириши. Бу, ўз навбатида, фармацевтик олий таълимда компетенцияга асосланган ёндашувни тезроқ тўла жорий этишни тақозо этади. Компетенцияга асосланган ёндашувнинг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳуқуқий – умуминсоний принциплар устуворлиги билан изоҳланади. [5, -Б. 35-42].

Шу муносабат билан олий таълимга, жумладан фармацевтика таълимига компетенцияга асосланган ёндашувнинг киритилиши ўқув жараёнини оптималлаштиради.

Бўлғуси фармацевтларнинг энг самарадор ва оптимал компетенциялари қуйидагилардан иборат:

а) касбий фаолиятни дори воситалари ва фармацевтика товарлари муомаласини тартибга солувчи қонунларни амалга ошира олиш масаласига эга бўлиш;

б) Касбий фаолиятни маънавий-ахлоқий меъёрлар ва қабул қилинган профессионал сифат стандартларига мувофиқлаштира олиш;

в) Жамоада ҳамкасблар, беморлар ва истеъмолчилар билан ижтимоий, ахлоқий, конфессиявий ва маданий тафовутларга нисбатан бағрикенглик муносабатида бўлиб ишлаш.

Фармацевтика фаолияти билан шуғулланадиган барча мутахассислар, шу жумладан, олийгоҳни тугатган ёш мутахассислар ушбу компетенцияларга эга бўлиши керак. Хулоса қилиб айтганда, компетенцияни аниқлаш усули айниқса, касбий компетенцияларни ишлаб чиқиш олийгоҳнинг кадрлар тайёрлаш сифатини оширади, ўқитиш усуллариини такомиллаштириш ва инновацион таълим технологияларини жорий этишга асосланган ўқув жараёнини интенсифлаштиришни талаб қилади.

Дарҳақиқат, мутахассиснинг муваффақиятли амалий фаолияти касбий компетенцияларни шакллантириш даражаси билан белгиланади [6, 597-б.]. Таъкидлаш жоизки, фақат юқори малакали фармацевт доришунослик билан боғлиқ дори-дармонларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатишнинг амалий масалаларини яхши билади.

1-расм

Ўқув жараёнида фанлараро интеграциялашув (уйғунлашув)



Ўқитиш жараёнида юқори малакали мутахассис шахсини ривожлантиришнинг энг самарали воситаси бу компетенцияга асосланган ёндашув бўлиб, унинг доирасида ўқув жараёни талабаларда умумий таълим, маданий ва касбий қобилиятларни ривожлантиришга қаратилган комплекс фаолият сифатида тушунилади. (1-расм)

Фанлараро ёндашув схемаси асосида мутахассислик фанларнинг биринчи блокига кирувчи ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда ушбу ўрганилаётган мавзуимизда фанлараро ёндашувнинг иккинчи турини белгиловчи кимёвий фанлар кесимида электив курслар яратилади.

Дарҳақиқат, бўлажак касб эгаларида шахсий фазилатлар билан касбий кўникмаларни шакллантиришда компетенциявий ёндашув орқали махсус ва эклектив курслар (фармацевтик социология, фармакопсихология, фармацевтик этика, тиббиёт социологияси)ни мақсадли таълим тизимида идентификациялаш йўллари ишлаб чиқилди. Ва ушбу тавсиялар асосида Ўзбекистон миллий университети 5210100 – «Социология» йўналишидаги ўқув режасига «Тиббиёт социологияси» фани, Тошкент фармацевтика институтининг 5310901 – «Метрология, стандартлаштириш ва бошқарув сифати» йўналишининг ўқув режасига «Фармацевтик социологияси» фани киритилди. Ушбу фанлар охиригача икки ўқув йилида ўқув режаларда танлов фан асосида олиб борилмоқда. Натижада, фармацевтика олий таълим муассасаларида социология фанини касбий соҳага йўналтириб ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қилган

Бўлажак мутахассиснинг фармацевтика соҳасидаги касбий мотивацияси босқичма-босқич ривожланиш хусусиятига эга. Рус олими Л.Семёнова фикрича, мотивация - бу субъект фаолиятининг ҳаракатлантирувчи кучи ва олий таълимдаги ютуқлари, касбда муваффақиятга эришиш учун ишончли воситадир. Касбий мотивация профессионаликни оширишнинг ички омили бўлиб хизмат қилади, чунки фақат унинг юқори даражаси, ўз навбатида, касбий таълим ва шахс маданиятини самарали ривожлантириши мумкин. Дастлабки босқич жараёнида потенциал талаба шахсий тажриба ва касбий раҳбарлик доирасида бошланғич касбий мотивацияни ривожлантиради. Дорихонада ишлаш тўғрисида биринчи ҳиссий билимларни олади ва фармацевт, технолог, аналитик, фармацевтика вакили каби фармацевтик мутахассисликлар тўғрисида ғоялар пайдо бўлади. Амалийлаштириш босқичида талабанинг онгли касбий мотивацияси шаклланади. Натижада келажакдаги касбий фаолият контекстида турли хил таълим фаолияти содир бўлади. Прогностик босқичда эса истиқболли профессионал мотивация юзага келади. Унинг ривожланиши учун битирувчига бўлажак мартабани режалаштириш ва келажакда раҳбарлик қилишда ёрдам бериш керак бўлади [7].

Фармацевтика соҳаси талабаларининг касбий мотивацияси 2 та катта мотив блокларини ўз ичига олади: биринчиси — профессионал аҳамиятли мотивлар, иккинчиси эса шахсий фазилатларни шакллантирувчи мотивлар.

Биринчи блок қуйидаги мотив гуруҳларини ўз ичига олади:

1) амалда профессионал яъни юқори малакали мутахассисга айланиш, келгуси касбий фаолиятида муваффақият қозониш, дорихонада юқори натижаларга эришиш ва ҳ.к; Булар касбий фаолиятнинг мазмунини ташкил этувчи мотивлар гуруҳидир. Ушбу гуруҳнинг аҳамияти фаолиятга қизиқишнинг касбий жиҳатларини ривожлантириш билан боғлиқлиги, касбда ижодкорлик истаги, мақсадни амалга оширишда муваффақиятга эришиш қонуниятларига асосланади.

2) касбий ривожланиш ва мартаба ўсиши учун мотивлар, яъни ўз касбига эга бўлиш, келажакда жамиятда юқори мавқега эга бўлиш, юқори етакчилик мавқеини эгаллаш, фойдали алоқалар ва кўплаб танишлар орттириш, бизнес бошлаш имконияти ва бошқалар. Булар касбий ривожланиш ва мартаба ўсиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб

шахсининг касбий барқарорлик ва мартаба ўсишига бўлган эҳтиёжи нечоғли юқори ёки сус эканлиги билан боғлиқ.

3) прагматик мотивлар, яъни олинган билимлар туфайли юқори даромад олиш, яхши маошли иш топиш ва ҳ.к. Булар, ёшнинг моддий фаровонликка эришиш зарурияти билан боғлиқ бўлган прагматик мотивлар гуруҳидир.

Иккинчи блок қуйидаги мотив гуруҳларини ўз ичига олади:

1) когнитив мотивлар, яъни чуқур ва узоқ муддатли билимларни эгаллаш, билимларга эга бўлган қизиқишини мукаммалаштириш, интеллектуал қониқиш, дунёқарашни кенгайтириш, билиш жараёнидан қониқиш олиш, ижодий изланишларга интилиш ва бошқалар. Булар мотивларнинг ушбу гуруҳ мазмуни ва ўқув жараёни билан боғлиқ бўлади. Шу сабабли мазкур мотивлар талабаларни муваффақиятли ўрганишга ундайди.

2) ижтимоий мотивлар, яъни махсус таълим зарурлигини англаш, жамиятнинг тўлиқ аъзоси бўлиш истаги, жамоатчилик томонидан тан олиниш, ижтимоий идентификация зарурати, жамиятга фойда келтириш истаги ва бошқалар. Булар инсоннинг ўз миссиясини англаши билан боғлиқ бўлган ижтимоий мотивлар гуруҳидир. Бошқача айтганда, ижтимоий фаровонликни ошириш, жамият фаровонлиги учун ишлаш ва ўзини фуқаро сифатида англаш ҳисобланади.

3) шахсининг ўзини ўзи ривожлантиш ва рағбатлантириш, яъни касбий фаолиятга сифатли тайёрланиш, доимий интеллектуал ва маънавий ўсишга бўлган эҳтиёж, умумий маданий даражани ошириш истаги, миллий ва хорижий тажрибага эга бўлиш истаги ва бошқалар. Булар шахсий ўз ўзини англаш учун ҳаракатга ундовчи сабаблар гуруҳидир. Бу шахсининг доимий шахсий ва касбий ўсишга интилиши, маълум бир профессионал стандартларга жавоб бериш зарурати билан боғлиқ бўлади. Бундай мотивлар гуруҳининг мавжудлиги касбий фаолият натижасига таъсир қилувчи ижтимоий аҳамиятга эга бўлиб, компенсация қилинмайдиган мулкдир [8, -Б. 2278-3075].

Бугунги кунда талабаларнинг ички ресурсларини очиб бериш замонавий таълимнинг долзарб вазифасидир. Бунда талабаларнинг устувор фазилатлари – фаоллик, ташаббускорлик, ўқув фаолиятини мустақил режалаштириш ва назорат қилиш қобилияти, ўрганишга бўлган мотивация. Замонавий касб-ҳунар таълимининг асосий мақсади шахс, жамият ва давлатнинг ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларини қондириш, кўп қиррали шахсни, жамиятда ижтимоий мослашишга қодир, касбий меҳнатга тайёр, ўзини мустақил тарбиялаш, ўзини такомиллаштириш ва англашга қодир бўлган фуқарони тайёрлашдан иборат. Шу сабабли, ҳозирги вақтда замонавий, жадал ўзгарувчан дунёга мослаша оладиган, мураккаб масалаларини ҳал этишда тубдан янгича ёндашишга қодир малакали, ижодий фикрлай оладиган ва рақобатдош шахсга талаб кескин ошиб бормоқда. Зеро, бугунги долзарб вазифа, ёш авлодни етук шахс, замон талабларига жавоб берадиган, билимдон, юксак маънавиятли, эътиқоди мустаҳкам, иродаси кучли, халқ, Ватан учун қайғурадиган комил инсон қилиб тарбиялаш ва вояга етказишдир. [9,-Б. 469-473].

Замонавий фармацевтика таълимининг долзарб муаммоларидан бири бўлғуси фармацевтларнинг касбий маҳоратини шакллантириш муаммосидир. Компетенция, маълум бир соҳада билимга эга бўлган шахсининг ажралмас мулк бўлиб, олий таълимда олиган билимларининг амалиётда маҳоратли қўлланишдан иборат. Бунга ривожланган мамлакатларнинг асосий педагогик стратегияси бўлиб келган муаммоли ўқитиш ёрдам

беради. Замоनावий фармацевтика бозорида фармацевт юқори профессионаллика эга бўлиши керак. Бунинг учун фармацевтика бозор муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши мутахассисларнинг шахсий фазилатларига қўйиладиган талаблар, профессионал жамоалар томонидан белгиланган фаолият дастурини жиддий ўзгартиришни талаб этади. Соғлиқни сақлаш тизимига аҳолини юқори сифатли доридармонлар билан таъминлайдиган масъулиятли, ташаббускор, ижодий фикрлайдиган, мобиль, профессионал тайёргарлик эга мутахассислар жалб қилиниши лозим. Жамиятга дорихонанинг барча жиҳатлари, айниқса, амалий вазиятлар ва муаммоларни яхши биладиган малакали мутахассислар керак. Фармацевтнинг тайёргарлигини нафақат олий таълим муассаси ва дорихонада олинган тажриба, балки келажакни олдиндан режалаштириши ҳам белгилаб беради. Шу муносабат билан таълим моделида малака даражасидан ваколатларга ўтиш жараёнида ўзгаришлар юз беради.

Маънавий етук инсонни тарбиялаш жамиятнинг энг асосий вазифаларидан биридир. [10, -Б. 676-688]

Олий таълимдаги ўқув жараёнида педогогик технологиялардан фойдаланиш талабани касбий жиҳатдан муваффақиятли ривожланишига олиб келса, талабаларнинг ижтимоий фаоллиги уни инсонпарварлиги, меҳрлилигини оширади. Бунга ўқишни амалиёт билан боғлайдиган воситалар ёрдам беради. Булар – инновацион таълим технологиялари, муаммоли ўқитиш, фактларни аниқлаш ва ишлаб чиқариш амалиётлари доирасидаги амалий машғулотларни кенгайтириш, тўғридан-тўғри иш жойларида касбий йўналтирилган ўқитишни йўлга қўйиш, стажировка, тренинглари, илмий-тадқиқот фаолиятларини ўз ичига олади. Таълимга бундай ёндашув талабаларнинг касбий кўникмаларини янада ривожлантиришга ёрдам берувчи педагогик фаолият принципларини аниқлашнинг методологик асоси ҳисобланади. [11, -Б. 5477-5489]

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг анъанавий шакллари доирасида талабаларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш мумкин эмас, бу фармацевтика соҳасидаги бўлажак мутахассислар учун профессионал мотивацияни сезиларли даражада қийинлаштиради. Бундан ташқари, ўқув тизими талабаларнинг касбий мотивацияси таркибида, когнитив ва тўғри касбий мотивларни такомиллаштириш вазифасини бажариши керак. Айнан мана шу мотивлар талабалар гуруҳларини муваффақиятли ўрганиш, касбни пухта эгаллаш ва пировардида касбий фаолиятни мустаҳкамлашга ундайди.

Малакали кадрлар тайёрлашда таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга чуқур интеграциялаш ва таълим даражасини халқаро стандартлар даражасига кўтариш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу жараёнда талабалар касбни муваффақиятли ривожлантириш учун билимларни чуқур ўзлаштириши зарурлигини англаши мотивлари ва турли хил профессионал вазиятларда ҳаракатланиш қобилиятини шакллантиради. Бу эса, ўз навбатида, талабаларнинг касбий кўникмаларини эгаллашига туртки беради.

REFERENCES

1. <https://strelkamag.com/ru/article/vocabulary-voluntas>
2. Kadirova Y. LOVING THE COUNTRY IS FAITHFUL //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. В4. – С. 420-423.
3. Кадилова Х. Б. Главная духовная ценность и личность человека //ФЭн-наука. – 2015. – №. 1. – С. 29-32.
4. Компетентностно-ориентированное обучение в медицинском вузе / А И. Артюхина и др. - Омск: Полигр. центр КАИ. 2012. - 198 с.
5. BUVABAEVNA K. Y. LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA: LEGAL BASIS OF FORMATION OF CIVIC CULTURE IN STUDENTS KADIROVA YAKITJAN BUVABAEVNA //Journal of Information Computational Science. – 2021. – №. 1. 35-42
6. Bekmurodov M., Akhmedova F., Kadirova X. Study the process of harmonization formation of personal and professional qualities at students//International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Volume-24 (Special Issue 1), 2020. pp. 597-605
7. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-motivatsii-dostizheniya-v-professionalnom-stanovlenii-studentov-vuza>
8. H Kadirova, F Akhmedova.Sociological Analysis of the Nation's Identity, the Levels of Feeling the National Identity in Uzbekistan.2019. International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN. P/ 2278-3075
9. Kadirova Y. B. The Advantages of Improving Students' Civic Literacy in Building a Democratic State Governed by the Rule of Law //International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. – 2021. – Т. 8. – №. 5. – С. 469-473.
10. Kadirova H. The Place Of Karakalpak Ethnoculture In The Integration Of Society //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 04. – С. 676-688
11. Buvabaevna K. Y. Issues of Civil Literacy Development in the Education System //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 5477-5489.
12. K.Tulenova. СООТНОШЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ПРОЦЕССЕ ФОРМИРОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ. //Science and innovation. – 2022. – Т. 7.С. 1610-1616.